

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018. Ped. 02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БУЛЕКБАЕВА ШОЛПАН БУХАРБАЕВНА

**ОНА ТИЛИНИ ДАВЛАТ ТИЛИ БИЛАН КОММУНИКАТИВ-
КОГНИТИВ АСОСДА ҚИЁСИЙ ЎРГАТИШ
(Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(қозоқ тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
докторской философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Булекбаева Шолпан Бухарбаевна

Она тилини коммуникатив-когнитив асосда қиёсий ўргатиш (Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)..... 3

Булекбаева Шолпан Бухарбаевна

Сравнительное обучение родного языка с государственным языком на коммуникативно-когнитивной основе (В школах с казахским языком обучения)..... 25

Bulekbaeva Sholpan Buxarbaevna

“Comparative teaching of the state language communicatively-cognitive basis”
(In scholls with the kazakh language of instruction) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped. 02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БУЛЕКБАЕВА ШОЛПАН БУХАРБАЕВНА

**ОНА ТИЛИНИ ДАВЛАТ ТИЛИ БИЛАН КОММУНИКАТИВ-
КОГНИТИВ АСОСДА ҚИЁСИЙ ЎРГАТИШ
(Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(қозоқ тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/603 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдувалитов Ергаш Бураневич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Матчонов Сапа
педагогика фанлари доктори, профессор
Джусупов Маханбет
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» ___ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51)).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият”лиги эътироф этилиб, сифатли таълим бериш ва ўзлаштириш натижаларини баҳолаш усулларида самарали фойдаланиш долзарб вазифа эканлиги белгиланган. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кам сонли миллий гуруҳларнинг ўз она тилида таълим олишлари учун зарур шароитларни таъминлаш, она тили дарсларида контрастив лингвистика, компетент ёндашувни фаоллаштиришга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда.

Жаҳонда лингводидактика ва нутқий фаолиятни ривожлантириш, коммуникатив компетенция, нутқий кўникма ҳосил қилиш технологиялари, ўқув ҳамда коммуникатив ҳаракатларни ривожлантириш, турли тиллардаги дифференциал белгиларни тадқиқ этиш, лақуналарнинг сема (компонент) таҳлилига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса тилни ўқитишда ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, нутқий малакаларни такомиллаштириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри ва равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш, нолисоний олий билим маскани ўқувчиларининг бир-бирларига чет тилда нутқий мулоқот қила олиш компетенциясига эга бўлиш, ўрта таълим дастурий материалларини доимий коррекциялаш имкониятини кенгайтirmoқда.

Мамлакатимизда халқаро миқёсда давлат тилининг ўрнини мустаҳкамлаш, оз сонли миллий гуруҳлар учун умумий ўрта таълим мактабларида ўз она тилини ўрганиш, ушбу тилларга ҳурмат билан муносабатда бўлиниши қозоқ тилида таҳсил олаётган мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичини мақсадли давом эттиришлари учун тегишли шароитларни яратиб бермоқда. Шу билан бирга таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатишда коммуникатив-когнитив методлар самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтirmoқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш” каби вазифалар белгиланган. Бу эса, таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, коммуникатив-когнитив методларни аниқлаштириш ва жорий этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон, 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион ғояларни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилнинг ижтимоий моҳияти инсониятни қадимдан қизиқтириб келади. Форобий, аз-Замахшарий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар тил имкониятларидан фойдаланган ҳолда юксак даражадаги илм-фан ва санъат намуналарини яратганлар.

Янгиланган таълим тараққиётида ёш авлодга қардош тилларни қиёсий ўргатиш тил таълимида алоҳида ўрин тутади.

Қиёсий методнинг ривожланиши қардош ва жаҳон тилларининг генетик таснифи А.М.Зуров, Е.Д.Поливанов, А.А.Реформатский, Бодуэн де Куртенэ, Е.И.Пассов, Л.В.Щерба, Л.И.Анохин каби рус ва Европа олимлари томонидан ўрганилган.

Ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан Э.Ш.Абдулинанинг “Қирғиз мактабларининг бошланғич синфларида рус тилини ўқитиш”, Р.С.Газизовнинг “Рус-татар тилларининг қиёсий грамматикаси”, Т.Д.Метревелининг “Инглиз ва грузин тилларидаги феълларнинг шахс-сон категориясининг қиёсланиши”, К.В.Мустейкиснинг “Рус ва литва тилларининг қиёсий морфологияси”, Н.А.Резюковнинг “Рус ва чуваш тилларининг қиёсий грамматикасининг очерклари” каби қатор тадқиқотларида тилларни қиёслаб ўрганиш турлича талқин қилинади.

Ўзбек олимларидан Қ. Ҳусанбоева, Р.Ниёзметова, Х.Асалов, К.Ҳоликбердиев, С.Назарова, М.Рихсиева, Ф.Умарова, Р.Юлдашев, Д.Тошхўжаева, Г.Мухамеджанова, Г.Аҳмедова, Г.Ахророва, Л.Мирджалолова, С.Назарова, М.Рихсиевалар умумтаълим мактабларининг рус синфларида, Е.Б.Абдувалитов қардош халқлар адабиётини давлат тили таркибида қозоқ мактабларида, Ш.Юлдашева қорақалпоқ мактабларида давлат тилини ўқитиш муаммоларини турли даражада тадқиқ қилганлар. Лекин таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда давлат тилини коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўқитиш методикаси махсус тадқиқот объекти бўлмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек (қозоқ) тили ва

адабиётининг илмий тадқиқи ҳамда уни ўқитишнинг замонавий технологиялари” тадбирлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўргатиш тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини асослаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тил таълимига компетент ёндашув ва таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўргатишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, таълим стандарти талаблари асосида тил таълимига оид коммуникатив-когнитив методларни аниқлаштириш;

она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатиш давомида ўқувчиларнинг нутқий коммуникатив-когнитив компетенцияларини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш;

она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатишнинг инновацион технологияларини коммуникатив-когнитив модуллаштириш ва давлат таълим стандарти талаблари асосида такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг коммуникатив-когнитив компетенцияси ривожланганлиги кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш, назарий ва амалий тажрибага оид маълумотларни умумлаштириш, тегишли хулосалар чиқариш, методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий ва Бухоро вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфларида она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларидаги 956 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўқитиш мазмуни, усуллари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий-лингвистик, ижтимоий-педагогик, қиёсий таҳлил, кузатиш, сўровнома, суҳбат, умумлаштириш, ўқув-услубий адабиётлар таҳлили, эксперимент, статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив қиёслаб ўргатиш жараёнлари тил таълимига оид компетент ёндашув (лингвистик, коммуникатив) мазмунига келишик шаклларини танлаш, товушлар талаффузини ифодалаш элементларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

тил таълимида шакллантириладиган коммуникатив-когнитив компетенциялар таркибига оид мезонлар (мустақил фикрлаш, когнитив сифатлар, қиёслаш) 5–9-синф қозоқ тили ўқув дастурининг фанлараро боғлиқлик бўйича қиёсий таҳлили асосида аниқлаштирилган;

она тилини давлат тили билан қиёслаб ўқитишнинг коммуникатив-когнитив модуллаштирилган технологияси давлат таълим стандарти талабларини татбиқ этиш босқичлари ва педагогик фаолият функцияларини (намунавийлик, биргаликда назорат, фаоллик) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

коммуникатив-когнитив компетенцияни шакллантириш машғулотлари коммуникатив жараёни фаоллаштириш ва ўқувчилар мотивациясини оширишга қаратилган “Рейдер”, “Олимпиада дарси”ни ташкил этишда машқлар тизимини (фёълнинг хусусиятлари, тусланиши, замониға кўра) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатиш мақсадида ўзбек тили фанидан коммуникатив, лингвистик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган мавзулар қозоқ тили фанидан тўгарак машғулотлари ва синфдан ташқари тадбирларнинг ойлик режаларига киритилган;

она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатиш бўйича модуллаштириш технологияси амалиётга татбиқ этилган;

қозоқ тили бўйича ўқув дастурлари ва дарсликларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

грамматик терминларнинг қозоқ тилидан ўзбек тилиға ҳамда ўзбек тилидан қозоқ тилиға таржимасини қўллаш, грамматик атамаларнинг ўзбекча-қозоқча терминологик луғатиға оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот материалларидан таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилининг ўқув-методик таъминотида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари Стьюдентнинг танланмали мезони асосида ишланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялар ва услубий тавсиялар қозоқ тилидаги умумий ўрта таълим муассасаларида она тили таълими самарадорлигини оширишда таълим жараёнини коммуникатив-когнитив методика асосида ташкил қилиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан қозоқ ва ўзбек тилидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш, терминологик луғатлар тузиш, дала тилини қиёсий ўргатиш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этишға хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўргатишга доир тадқиқот натижалари асосида:

таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив қиёслаб ўргатиш жараёнларини такомиллаштириш, тил таълимига оид компетент ёндашув (лингвистик, коммуникатив) мазмуни, 5–9-синф қозоқ тили ўқув дастурининг фанлараро боғлиқлик бўйича қиёсий таҳлили, тил таълимида шакллантириладиган коммуникатив-когнитив компетенциялар таркибига оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июлдаги 01-02/2-2-176-сонли маълумотномаси). Мазкур давлат таълим стандарти 5–9-синф қозоқ тили ўқув дастурини ва унинг мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

она тилини давлат тили билан қиёслаб ўқитишнинг коммуникатив-когнитив модуллаштирилган технологиясида давлат таълим стандарти талабларини татбиқ этиш босқичлари ва педагогик фаолият функцияларига оид таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июлдаги 01-02/2-2-176-сонли маълумотномаси). Ушбу Низом умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жараёнларини ташкил этиш ва тартибли амалга ошириш, педагогик фаолиятни мувофиқлаштириш имкониятини оширган;

коммуникатив жараённи фаоллаштириш ва ўқувчилар мотивациясини оширишга қаратилган “Рейдер”, “Олимпиада дарси” технологиялари учун машқлар тизими, коммуникатив-когнитив компетенцияни шакллантириш усулларига оид таклифлари Республика Таълим Маркази туркий тиллар бўйича илмий-методик кенгашида 2010 йил 26 октябрда республикадаги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг қозоқ тили ва ўзбек тили дарсларида фойдаланишга тавсия этилган (Республика Таълим марказининг 2010 йил 26 октябрь 3-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар асосида давлат тилини коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўрганиш бўйича ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15та илмий иш, жумладан, иккита ўқув-услугий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10та мақола (8таси республика ва 2таси хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, учта асосий боб, умумий хулоса ва тавсиялар, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосида қиёслаб ўқитишнинг илмий-дидактик асослари”** номли биринчи бобида тилларни қиёслаб ўқитишнинг илмий-амалий аҳамиятига оид тадқиқотлар ўрганилган, тил ўқитиш методикасида таълимга компетенциявий ёндашувга доир қарашлар, коммуникатив компетенциялар таҳлили ёритилган.

Лингвистиканинг назарий ва амалий вазифалари ечимида кенг қўлланилишига кўра қиёсий грамматика, қиёслаш назарияси, қиёслаш методикаси, жумладан, қардош ва қўшни давлатлар тилларини ўрганиш масалалари жаҳон лингводидактикасига оид соҳа мутахассисларининг доимий эътиборида бўлиб келган.

Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёслаб ўқитишда ҳам қиёсий методика доирасидаги жаҳон лингводидактикасида, қардош мамлакатларда ва Ўзбекистонда тилларни қиёслаб ўқитишнинг илмий-амалий аҳамияти, тил ўқитиш методикасида таълимга компетенциявий ёндашувга доир қарашлар, коммуникатив компетенциялар юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар муҳим ўрин тутди.

Бодуэн де Куртенэнинг “Барча тилларнинг аралаш тавсифи ҳақида” номли мақоласида қиёсий лингвистиканинг назарий асослари чуқур тадқиқ қилинган. Унинг фикрича, қиёсий лингвистиканинг мақсади қиёсланадиган ҳар иккала тилнинг фарқли жиҳатларини аниқлашга қаратилади ва тилларнинг қиёсланиши тилшуносликнинг морфология, семасиология, сўз маънолари ва нутқий мулоқот доирасида хизмат қилади. Де Куртенэ рус-поляк тилларини қиёслаб ўрганиш соҳасида тилларнинг ривожланиш қонунларини муайян тилни ўқитиш технологиясининг илмий асоси сифатида қарайди.

Таниқли олим Л.В.Щерба методик тадқиқотларида тилларни қиёслаб ўрганишда она тилидан олган билимларига суяниш ғоясини тилларни нутқий

фаолиятда абстракт тизим режаси ҳамда матн режасида қиёслаш орқали илгари суради.

Республикамизда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган ўқув масканларининг мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимдан кейинги босқичларида таълим фақат ўзбек тилида олиб борилиши боис рус, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ тилларини давлат тили билан қиёслаб ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейларда ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш, ўқувчиларнинг нутқий малакаларини такомиллаштириш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ўстириш усуллари билан боғлиқ муаммолар методист олима Ш.Ш.Юлдашеванинг тадқиқот ишида таҳлил қилинган ҳамда давлат тилини ўрганишда ўқувчиларнинг она тилидан олган билимларига таяниш назарий маълумотларни тушунтириш учун вақтни тежаши, амалий машқларнинг кўпроқ бажарилиши учун имкон яратиши хусусида эътиборга лойиқ қарашлар илгари сурилган. А.К.Нисанбаеванинг илмий-тадқиқот ишида ўқувчиларда давлат тилида нутқий кўникма хосил қилиш усуллари, С.С.Тажбенованинг таълим қозоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар мисолидаги диссертация ишида она тилини ўқитиш методикасида ўқувчиларнинг назарий билимларни амалда қўллай олиши изланиш методидан фойдаланиши орқали ўзлаштирилиши таъкидланади.

Д.У.Ҳошимова докторлик диссертациясида лақуналарнинг турли система тилларидаги дифференциал белгилари тадқиқ этилган, рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги лақуналарнинг сема (компонент) таҳлили амалга оширилган.

Тил таълими дарсларида грамматика билан уни нутқда қўллаш орасида боғлиқлик етишмаётганлиги, ўқувчиларнинг грамматик қоидаларни аъло даражада ўзлаштирганликлари ҳолда ўз билимларини нутқий фаолиятда қўллашда ожизлик қилаётганлари сезилиб қолмоқда. Зеро, ҳар бир ўқувчининг нутқий маданияти тил таълимидаги коммуникатив фаолиятига бевосита боғлиқдир.

“Коммуникатив” атамаси кўпинча “коммуникатив компетентлилик” сўз бирикмаси тарзида кенг қўлланилади.


Коммуникатив компетенция – ижтимоий вазиятларда ўзаро мулоқотга кириша олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу тушунчаларни шарҳлашда таълимда қўлланилиб келаётган тушунчаларни умумлаштириб, “коммуникатив компетенция” билимларни назарий англашдан юксак нутқ маданиятини эгаллаш даражасигача етказиш, билим, кўникма, малакаларни нутқий фаолиятда қўллаш қобилияти деган хулосага келдик.

“Ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш мақсадини кўзлаган Давлат таълим стандартининг асосий принципларидандир.


Янгиланаётган таълим тизими таълимнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, таълим жараёни субъекти сифатида ўқувчининг ўқув, билув, ўрганиш вазифасини ўз зиммасига олишини талаб қилади. Зеро, ўқувчини ўқитиш керак эмас, уни ўзи ўқийдиган ҳолатга олиб келиш лозим. Токи боланинг ўзи изланмас экан, таълимда ютуққа эришиш мумкин эмас”.

ДТС талабларига кўра коммуникатив-когнитив методни умумтаълим мактабларда амалга ошириш 1-расмда ўз аксини топган.



1-расм. Умумий ўрта таълим мактабларнинг А2 таянч даража босқичида коммуникатив-когнитив методикани амалга ошириш

Ўқувчиларда шакллантириладиган коммуникатив компетенцияни қуйидаги компонентларга ажратиш тавсия қилинади (2-расм):



2-расм. Она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатиш давомида ўқувчиларда шакллантириладиган коммуникатив компетенциялар

Натижа 3-расмда кўрсатилган мезонлар ёрдамида аниқланади.



3-расм. Ўқувчиларда коммуникатив-когнитивликнинг шаклланиши ва ривожланишини аниқлаш мезонлари

Когнитив ёндашувга доир таълим усулининг моҳияти шундаки, таълим олувчи ҳар бир топширикни бажариш жараёнида янги-янги фикрларни кашф этиш ёки нимадир яратиш билан шуғулланади. Албатта, бу жараён ўқувчида бирданига эмас, балки босқичма-босқич шаклланиб, ривожланиб боради (4-расм).



4-расм. Ўқувчиларда коммуникатив-когнитив компетенцияларни шакллантириш босқичлари

Анъанавий “Ўқитувчи – дарслик – ўқувчи” парадигмаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатилган ўқувчини таълим субъектига айлантириш концепциясига мувофиқ таълимнинг “Ўқувчи – дарслик – ўқитувчи” парадигмасига алмаштирилишини тақозо этади. Дунёнинг

ривожланган мамлакатларида таълим тизими айнан шу парадигмага асосланмоқда.

Бихейвиористик аввалги таълим тизимида ўқитувчи билан дарслик дарсинг асосий манбаи, таълимнинг назоратчи кучи бўлса, когнитив методикага асосланган бу парадигма бўйича ўқувчи мустақил фаолиятнинг ташкилотчиси, коммуникатив компетенцияга ва ўз фикрига эга шахс ролини бажаради. Когнитив таълим ўқувчида билишга мотивация уйғотишни талаб қилади. Айниқса, ўқувчиларда нутқий фаолиятга қизиқишни шакллантириш мотивацияси синергетик таълим усули орқали амалга оширилиши самаралидир. Таълимга синергетик ёндашиш – қизиқтирувчи ёки билим олишга иштиёқ уйғотувчи усул. “Синергетика шахсинг ҳали намоён бўлмаган, мудраб ётган қобилиятининг ишга тушишини рағбатлантиради. Ўқитувчи ва ўқувчи бир-бирлари билан синергетик алоқада бўлиб, натижада билмайдиганлар биладиганларга айланади”. Нутқий фаолиятга қизиқиш мотивацияси ўқувчининг шахсий сифатларига боғлиқ. Улардан бири – таълим олувчининг ижодий мустақиллигидир, яъни ўқувчи ўзи ҳам ўқув муаммосини шакллантиради.

Иккинчиси – унинг нутқий мулоқотга мойиллик даражасидир. Психологлар уларни экстравертлар (фикр баён этишга интилувчан, гапдонлар) ва интровертлар (нутқий фаолияти суст, камгаплар)га ажратади.

Диссертациянинг **“Она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёсий ўқитишнинг мавжуд ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида қозоқ ва ўзбек тилидан ўқув дастурлари, дарсликлар таҳлилга тортилиб, давлат тилини қиёслаб ўқитишда коммуникатив компетенцияни шакллантириш усуллари, инновацион педагогик технологияларни қўллаш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 майдаги 130-сон қарори асосида давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарорига мувофиқ ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакасини турли вазиятларда қўллай олишга қаратилган таянч компетенцияларни шакллантириш муҳим ўрин тутади.

5-синф “Қазақ тілі” ўқув фанининг йиллик тақсимотига дарсликдаги мавзулар мувофиқ келмаслиги туфайли ўқитувчиларнинг йиллик тақвимий иш режасини тузишда катта қийинчиликларга дуч келинади.

5-синф “Қазақ тілі” ўқув дастурида “Фонетика” бўлимигача “Муқаддима” курсига жами 91 соат ажратилган бўлиб (Кириш қисмига 2 соат, такрорлашга 11 соат, синтаксис ва пунктуацияга 38 соат, морфологияга 40 соат), изчиллик сақланмаган. Ўқув дастурида “Равишларнинг турлари”, “Тапнинг боғланиш турлари”, “Ҳолнинг турлари”га 1 соатдан ажратилиши ўқувчиларнинг бундай мураккаб мавзуларни ўзлаштиришларига анча қийинчилик туғдиради.

“Синтаксис” таркибида берилган “Қаратпа сөз” мавзуси ҳам изчилликка зид. Чунки “Қаратпа сөз”, “Қыстырма сөз”, “Одағай” – “Оқшау сөз”нинг 3 тури бўлганлиги сабаб 8-синфда уйғунлаштириб ўтилади. Бу эса таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-, 7-, 8-синф “Қазақ тілі” дарсликларидида “Қаратпа сөз”, “Одағай”, 7–9-синфлардаги “Төл сөз бен автор сөзі” каби олдинги синфларда ўзлаштирилган лексик ҳамда грамматик мавзуларнинг такрорланиши боис қозоқ тили фани бўйича айрим мавзуларни уйғунлаштириш, интеграциялаш йўлидан боришни тақозо этади.

Методист олима Х.С.Мухитдинова “Ўзбек тили фанидан ўқув дастурларини тузишда кўп миллатли республикамизда умумий ўрта таълим босқичида таълимнинг 7 тилда олиб борилиши, уларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар оиласига мансублиги, грамматик жиҳатдан флектив ва аглютинативлиги эътиборга олинishi шарт”лигини таъкидлайди.

6-синф “Қазақ тілі” дастурига кўра ўтган замон феъли яқин ўтган замон, узок ўтган замон, ўтган замон давом феъли каби 3 та гуруҳга ажратилса, ўзбек тилида ўтган замон ҳикоя феъли билан 4 гуруҳга ажратилиши дарс жараёнида давлат тили билан қиёслаб ўргатишни тақозо этади. 6-синф қозоқ тили дарсида сўзларнинг тузилишига кўра турлари *негізгі және туынды түбір, біріккен сөз, қос сөз, сөз тіркесі, қысқарған сөз* (ўзак сўз ва ясама сўз, қўшма сўзлар, сўз бирикмаси, қисқарган сўз) ўзбек тили дастури бўйича 7-синфда ўтилиши боис шу синфда уларнинг фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, қозоқ тилида қўшма сўзлар бириккан сўзлар, жуфт сўзлар, сўз бирикмалари ва қисқарган сўзлар тарзида ажратилади. 7-синф ўзбек тили дарслигида “Қўшма сўзларнинг имлоси” мавзусида “қўшма сўзлар қўшиб ёки ажратилиб ёзилади”, – дейилган. Қозоқ тилида қўшма сўзларнинг тури сифатида бириккан сўзлар қўшиб, сўз бирикмалари ажратилиб ёзилади.

Сифатларнинг ясалишида ҳам қиёслаб ўргатиш муҳим бўлган жиҳатлардан бири – ўзбек тилидаги ўзакдан олдин келадиган **сер-, но-, бе-, ба-** қўшимчаларининг сифатларнинг ўрин-пайт маъноларини билдирувчи сифат турининг қозоқ тилида мавжуд эмаслигидир. 6-синфда қозоқ тилидаги ёрдамчи феълларнинг ўзбек тилида ёрдамчи феъллар ва тўлиқсиз феъллар (эди, экан, эмиш, эмас) бўлиб ажратилишини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Қозоқ тилида феъл ясовчи **-илла** қўшимчаси мавжуд эмас. Ўзбек тили (7-синф) дарслигида берилган **гувилла** феъли қозоқ тилида қуйидагича таҳлил қилинади: **гув** – тақдид сўз, **-ил** – от ясовчи қўшимча, **-ла** – феъл ясовчи қўшимча. 7-синф қозоқ тили ўқув дастурида берилган “Феълнинг замонлари”га тегишли мавзулар “Ўзбек тили” фан дастурида 6-синфда, 6-синф қозоқ тили фани ўқув дастуридаги феъл нисбатлари, равишдошлар, сифатдошлар, модал сўзлар ўзбек тилидан 8-синфда, 7-синф қозоқ тили дарслигидаги **ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, бироқ** каби **жалгаулиқ шилаулар** ўзбек тилида боғловчилар бўлиб, 8-синфда ўтилиши, қозоқ тилидаги “Шылаулар” сўз туркумининг ўзбек тилида кўмакчи, юклама ва боғловчилар

бўлиб 3 турга ажратилиши, модал сўзларнинг қозоқ тилида сўз туркумига кирмаслиги, сўз туркумларининг сон жиҳатидан фарқ қилиши она тилини давлат тили билан қиёслаб ўргатишни талаб қилади. 8-синф “Қазақ тілі” фанидан ўтиладиган содда гап синтаксисига тааллуқли мавзулар (сўз бирикмаси ва унинг турлари, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, гап бўлаклари) ўзбек тили ўқув дастурига мувофиқ 9-синфда ўтилиши туфайли мазкур грамматик атамалар ва қоидалар юзасидан мавзуларни тўғарак машғулотлари режасига киритиш мақсадга мувофиқ.

Она тилини давлат тили билан қиёсий ўрганиш учун ўзбек тили фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларига қўйиладиган малака талабларига риоя қилиш зарур. Умумий ўрта таълим тизимида ўзбек тили фанини ўқитиш мақсади ўқувчиларнинг ўқиш ва меҳнат жараёнида, жамоат жойларида турли нутқий вазиятларда мустақил равишда фикрини баён эта олиш, эшитилган ахборотни идрок этиш, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш малакасини ривожлантиришдан иборатдир. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим муассасаларида ўзбек тили фанидан А2 босқичи бўйича коммуникатив ва лингвистик компетенцияларни шакллантириш талаб қилинади. Дастурлар таҳлили таълим бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида уларнинг она тилини давлат тили билан қиёслаб ўрганиш масаласи кўзда тутилмаганлигини, давлат тилини қиёсий ўрганишга алоҳида соат ажратилмаганлигини кўрсатди. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўзбек тилини чуқур ўзлаштириш учун қўшимча соатлар ажратилиши, ўқув юкмасини ошириш ёки қўшимча ўқув курсларини яратиш бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Дарсликлар ўқувчиларни мустақил фаолият юритишга ҳамда улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга, ижодий фаолиятини ривожлантиришга, энг муҳими, ўқув топшириқларига креатив ёндашиш кўникмасини шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “5–9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш – таълимнинг демократик модели қарор топишини исботлайдиган янги педагогик технология ҳисобланади.

Рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш ўқувчиларнинг ўқув фани мавзуси бўйича тасаввурга эга бўлиши, мавзунинг моҳиятини тушуниб етиши ва ифодалай билиши, эгаллаган билимларини амалда қўллаши, мустақил мушоҳада ва ижодий фикр юритиши, хулоса қабул қила олиши каби мезонларга қараб амалга оширилади. Бу технологияни ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш шаклида қўллаш мумкин (1-жадвал).

Таълим жараёнида шахснинг ўз-ўзини баҳолаши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш – таълим ислоҳотлари амалга оширилаётган барча мамлакатларда қўлланилаётган асосий йўналишлардан биридир.

Баҳолаш мезонлари

Ўқувчининг фамилияси ва исми _____

		Умумий балл	Балл
Ўқиш Билиш Тушуниш	Феълнинг хусусиятларини биламан.	0-1	
	Феълнинг сўроқларини биламан.	0-1	
	Феълнинг шахсланишини биламан.	0-1	
	Феълнинг замон, майл турини билдим.	0-1	
	Феъл бўйича хулоса чиқара олдим.	0-1	
Амалда ва нутқда қўллаш	Амалий машқлардан феълларни мустақил топа олдим.	0-1	
	Феъллар иштирокида кичик матн ярата олдим.	0-1	
Жами		7 балл	

Мазкур бобда қозоқ ва ўзбек тиллари қардош тиллар сифатида туркий тиллар гуруҳи таркибида лингвистик материаллар таҳлилида қиёсланади. Тадқиқот ишида давлат тили билан қозоқ тилининг таълим жараёнида кўп учрайдиган муҳим жиҳатлари коммуникатив-когнитив методика ёрдамида қиёсланди. Асосий мақсад – ўзбек ва қозоқ тилларининг товуш тизимига, грамматик-синтактик қурилишига хос хусусиятларни қиёслашдир.

Фонетик жиҳатдан ўқувчиларнинг билиши зарур бўлган ҳолатлардан бири – ўзбек адабий тилида унлилар 6та (а, е, о, ў, і, u), ундош товушлар 2та, қозоқ тилида унлилар 12та (а, э, о, ө, ұ, ү, ы, і, е, и, э, у), ундошлар 26та, ўзбек тилидаги **х, нг, ў** ҳарфлари қозоқ тилида мавжуд эмаслиги туфайли ёзма ва оғзаки нутқда мазкур ҳарфларни ишлатишда хатоларга йўл қўйилмоқда. Масалан ҳафта – хафта, аҳамият – ахамият, ҳодиса – ходиса; қўшма сўз – қушма сўз, ўқувчи – уқувчи, келинг – келиң, энг – эң, онг – оң.

Ўзбек тилида товуш бўла туриб, унга алифбода ҳарф олинмаган **нг** товуши икки ҳарф (нг) билан кўрсатилади, қозоқ тилида эса **н; нг** товуши қозоқ тилида битта ҳарф билан ёзилади. Қозоқ тилли ўқувчилар ёзма нутқда қўллашда хатоликларга йўл қўяди. Шу боис ўқувчилар тилнинг фонетик жиҳатини ҳар иккала тилда таққослаб ўрганиши ва уни нутқда қўллаш олиши керак.

Лексик қиёслашда алоҳида сўзлар, туташ семантик гуруҳлар, сўзларнинг морфологик тузилиши, уларнинг у ёки бу маънода ишлатилиши таҳлилга тортилади. Мазкур масалалар ҳар иккала тилга ҳам хос бўлиб, назарий тушунчалар нутқни ривожлантиришга йўналтирилади.

Давлат тили билан қозоқ тилини қиёслаб ўқитишда иборалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Иборалар “Умумий ўрта таълимнинг она тили ўқув дастури” бўйича 5-синфда лексикология таркибида ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга қаратилса, 8-синфда синтаксис таркибидаги сўз бирикмасидан фарқлашга ўргатиш мақсадида ўтилади. “Кўзим учиб тургани йўқ”, “Ошиғи олчи туриб”, “Бир ёқадан бош, бир енгдан қўл чиқариш”, “Қора қозон қайнаб турибди” каби иборалар ҳар икки халқ тилида қўлланилади.

Ўқувчиларнинг иборалардан олган билимларини “Эверест” интеллектуал ўйин-мусобақаси орқали аниқлаш – самаралидир (2-жадвал).

2-жадвал

1-босқич. Ўзбекча-қозоқча иборалар луғати

№	Давлат тилида	№	Қозоқ тилида
1.	Бармоғини тишлаш	1.	Бармағын тістеу
2.	Кўзи тўрт бўлиши	2.	Көзі төрт болу
3.	Тирноқ остидан кир кидириш	3.	Тырнақ астынан кір іздеу
4.	Бешигимни тебратдингми?	4.	Бесігімді тербеттің бе?
5.	Бармоғини тишлаш	5.	Бармағын тістеу

3-жадвал

2-босқич. Берилган ибораларнинг ўз маъноларини топиш

№	Ўзин арқан, кең тұсау	№	Лоқайд, бемалол
1.	Кой үстінде бозторғай жұмыртқалаған кез	1.	Тинчлик
2.	Тізгінін қолға алу	2.	Рахбарликни қўлга олиш
3.	Аяғы үзеңгіде тұр	3.	Сафарга отланмоқчи
4.	Ит өлген жерде	4.	Узоқ
5.	Берекенің қаймағы бұзылмаған	5.	Тинч-тотув

4-жадвал

3-босқич. Ибораларнинг ўзбекча-қозоқча таърифи

№	Таъриф	Ўзбекча маъжозий маъноси	Қозоқча ибора
1.	Катта ишга интилиш	Осилсанг баланд дорга осил	Жығылсаң нардан жығыл
2.	Жудаям ошириб юбориш	Пашшадан фил ясама	Түймедейді түйедей қыл
3.	Бу ерда бир гап бор	Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур	Бұл не деген батпан қўйрық, Айдалада жатқан қўйрық
4.	Аҳиллик, бирдамлик	Бир майизни қирқ бўлиб емоқ	Жарты құртты бөліп жеу
5.	Хурсанд бўлиш	Дўпписини осмонга отди	Төбесі көкке екі-ақ елі жетпеді

Мазкур бобда таълим самарадорлигини оширишда қуйидагилар коммуникатив компетенция шакллантиришнинг мақбул усуллари тарзида тавсия қилинди:

1-топшириқ. Берилган сўзларнинг маънодошини топинг. *Катта, кўп, сабр, вақт, барака.*


2-топшириқ. Мақолни давом эттиринг.

Сув ичадиган қудуққа

